

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РАЙИМОВ БЕҲРУЗ НЕЪМАТ ЎҒЛИ

**ҲИСОР ТОҒ ТИЗМАСИДАГИ ДЎЛАНАНИНГ (*CRATAEGUS L*)
ИСТИҚБОЛЛИ ШАКЛЛАРНИ ТАНЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

УЎК: 634.7+634.97

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences

Райимов Бехруз Неъмат ўғли

Ҳисор тоғ тизмасидаги дўлананинг (*Crataegus* L.) истиқболли
шакллари танилаш ва кўпайтириш технологияси..... 3

Райимов Бехруз Неъмат угли

Отбор и технология размножения перспективных форм боярышника
(*Crataegus* L.) в Гиссарском хребте..... 19

Rayimov Bexruz Ne'mat o'g'li

Selection and promising forms of hawthorn (*Crataegus* L) in the Gissar
range..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РАЙИМОВ БЕҲРУЗ НЕЪМАТ ЎҒЛИ

**ҲИСОР ТОҒ ТИЗМАСИДАГИ ДЎЛАНАНИНГ (*CRATAEGUS L*)
ИСТИҚБОЛЛИ ШАКЛЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромилиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Кишлоқ хўжалиги фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Qx946 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хамроев Хусен Фатуллаевич кишлоқ хўжалиги фаилари бўйича фалсафа доктори, доцент
Расмий оponentлар:	Тўхтаев Бобокул Ёркулович биология фаилари доктори, профессор Эшанкулов Бобомурод Инаятевич кишлоқ хўжалиги фаилари доктори, к.и.х.
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 16 октябрь соат 09⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№549252-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 28 сентябрь куни тарқатилди.
(2023 йил 06 сентябрь 62-рақамли реестр баённомаси).



Э.Т. Бердиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Халмуротов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент

С.А. Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ўрмонмевали дарахт турлари орасидан озик-овқат, ҳамда дориворлик хусусиятига эга бўлган турларни кўпайтиришга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ана шундай дарахт турларидан бири дўлана ҳисобланади. Ҳозирги вақтда “дўлананинг 1000 дан ортиқ йирикмевали, сервитамин навлари мавжуд”¹ бўлиб, ушбу навларни кўпайтиришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё мамлакатларида дўланазорнинг табиий тарқалган ареалини аниқлаш, сервитамин ва озик-овқат саноати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йирикмевали навларини яратиш ва уларни кўпайтириш бўйича етакчи илмий марказларида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, жумладан, «Хитойда *Big Golden Star, Big Orange, Red Sun*. навларидан, Мексикада – *C. mexicana* Moc.et Sessй ex DC. (*C. pubescens* auct.) ва *C. Pubescens Steud. f. stipulacea Stapf* навларидан, АҚШ да *Mason's Super Berry, Mississippi Beauty, Red* ва *Yellow, Saline, Super Spur, Texas Star* навларидан фойдаланиб дўланазорлар барпо этиш илмий услубларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган»² бўлса, бошқа давлатларда ушбу дўланазорлар мавжуд бўлган ҳудудларни аниқлаш, истиқболли навларни интродукция қилиш, мослаштириш ва кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу илмий ишланмаларни жорий этиш асосида олинган натижалар тоғ ва тоғолди майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Республикамизда дўлананинг турларини интродукция қилиш, меваларининг биокимёвий таҳлил қилиш, фармацевтикадан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ мавжуд дўланазорларнинг биохилмаҳиллиги, табиий тикланиш кўрсаткичлари, кўчатларини етиштириш ҳамда турларнинг биоиклим моделини яратишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Ўрмонлар майдонини кенгайтириш»³ вазифалари белгилаб берилган. Бу ўринда, Республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги мавжуд дўланазорларда йирикмевали шакллари танлаш, уларнинг кўчатларини етиштириш ҳамда мавжуд дўланазорларнинг табиий тикланиш даражасини баҳолаш бўйича тадқиқот олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4424-сон «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 6 октябрдаги

¹ <https://goszechuanhouse.com/interesting-about-blueberries/how-many-types-of-hawthorn-trees-are-there.html?ysclid=lckmgere2n45372606>

² <https://www.ornamental-trees.co.uk/crataegus-pinnatifida-var-major-tree-p817>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

ПҚ-4850-сон «Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги ВМ-530-сон «Ўрмон хўжалиги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан асослашда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича дўлананинг истиқболли шакл ва навларини яратиш, ҳамда кўпайтириш ишларини амалга ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари кенг ривожланган. Ушбу йўналишда Белгияда Depupere L., Vander Mijnsbrugge K., De Cock K., Verschelde P., Quataert P., Van Slycken J., Goetghebeur P., Германияда Zobel B.J., Van Buijtenen J.P., Туркияда Kaugin B., Esnaf S., Aydemir D., Хитойда Hu G., Эронда Khadivi A., АҚШ да Dickinson T.A., Phipps J.V. каби олимлар шуғулланишган бўлиб, улар томонидан яратилган навлардан маданий дўланазорлар барпо этиш ишларини амалга оширишда самарали фойдаланилмоқда.

Марказий Осиё давлатларда дўлананинг биохилмаҳиллигини ўрганиш, интродукция қилиш ва уни кўпайтириш ишлари бўйича дастлаб Русанов Ф.Н., Крашко Е., Бабарека Я.З., Семенютина А.В., Соловьева Н.М., Петрова В.Н. Гладкова В.Н. кейинчалик Лихитченко М.А., Мухаметова С.В., Карпачева Т.В. каби олимлар томонидан олиб борилган ва дўлананинг интродукция қилинган турларининг биоэкологик хусусиятлари, фенологияси, истиқболли шакллари танлаш, тарқалиш ареали ўрганилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Бироқ Ҳисор тоғ тизмаси ҳудудларида ўсиб-ривожланаётган дўлана турларини илмий ўрганиш, дўлананинг истиқболли шакллари танлаш, дўланазорларнинг табиий тикланишини баҳолаш, турнинг биоиклим моделини ишлаб чиқиш ҳамда кўпайтириш бўйича тадқиқотлар ишлари ўтказилмаганлиги долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат аграр университети Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедрасининг №19-1-сон «Ўзбекистон ўрмонларини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2020-2022 й.).

Тадқиқотнинг мақсади дўланазорлардан истиқболли шакллари танлаб олиш, дўланазорларни табиий тикланиш даражасини баҳолаш ҳамда кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ҳисор тоғ тизмасидаги дўланазорларнинг тарқалишини аниқлаш ҳамда унинг биоиклим моделини ишлаб чиқиш;

Crataegus pontica va *Crataegus turkestanica* турларининг ташки муҳит омилларига муносабатини баҳолаш;

Crataegus pontica va *Crataegus turkestanica*нинг йирикмевали шакллари танлаш;

Crataegus pontica va *Crataegus turkestanica* ўсиш ареалининг уруғ унувчанлигига таъсирини баҳолаш;

дўлана турларини вегетатив усулда кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб табиий дўланазорлар, сариқ дўлана (*Crataegus pontica*) va қизил дўлана (*Crataegus turkestanica*) истиқболли шакллари, мева va уруғлар, пайвандтаг, пайвандуст, уруғкўчатлар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети дўланазорларнинг ҳолати, биоиклим моделини ишлаб чиқиш, истиқболли шаклларни танлаш, мева ўлчамларини (узунлиги, диаметри, мева эти va уруғ чиқиш даражаси) баҳолаш, уруғларни экишга тайёрлаш, уруғ унувчанлигини ошириш, вегетатив кўпайтириш хисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Табиий дўланазорларнинг ҳолати va табиий кўпайиш даражаси, биоморфологик кўрсаткичлари Г.Н.Зайцева [1973], ташки муҳит омилларига муносабатини баҳолаш бўйича С.В.Арестова, Е.А.Арестова [2017], биохилмаҳиллигини баҳолаш va йирикмевали шаклларни танлаш “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодовых культур” услуби асосида [1999], кўпайтириш С.В.Мухаметова [2017], дўлана турларининг тарқалишини башорат қилиш J.Elith, S.J.Phillips, M.Dudic [2011], уруғларнинг унувчанлик даражасини баҳолаш Ф.Н.Русанов [1973], уруғкўчатларни пайвандлаш ишлари эса умумагрономик услублар бўйича амалга оширилган, тадқиқот натижасида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастурида 95% аниқликда Б.А.Доспехов [1986] услуби асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ҳисор тоғ тизмасининг денгиз сатҳидан 850-2000 метр баландликларида табиий тарқалган дўланазорларнинг тўлиқлиги шимолий экспозицияларда (0,8 га тенг) жанубий экспозициядан 0,2 га юқори эканлиги аниқланган;

дўлананинг биоиклим моделини ишлаб чиқиш орқали унинг тарқалишида ҳудуддаги ёғингарчилик миқдори катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланган бўлиб, 2070 йилда *Crataegus pontica*нинг майдони 950 км² (±25 км²), *Crataegus turkestanica*нинг майдони эса 1200 км² (±25 км²) га тенг бўлиши башорат қилинган;

дўлана турларидаги мезокарп қатламининг чиқиш даражаси *Crataegus pontica*да *Crataegus turkestanica*га нисбатан юқори бўлиб, *Crataegus pontica*нинг Матмон-2, Жовуз-3 шаклларида 86,17-87,64%, *Crataegus turkestanica*нинг Матмон-7 шаклида 80,0% ни ташкил этиши va бошқа танланган шакллардан 1,02-1,19 марта ёки 2,9-18,7% га юқори эканлиги аниқланган;

дўлана турларининг кўчатларини етиштиришда *Crataegus turkestanica*нинг уруғларини икки босқичли стратификациялаш, *Crataegus pontica* уруғларини эса сульфат кислотанинг 3% ли эритмаси билан 30 дақиқа ишлов бериш самарали эканлиги аниқланган бўлиб, бунинг натижасида ниҳолларнинг униб чиқиш даражаси *Crataegus turkestanica*да 90%, *Crataegus pontica*да эса 5% бўлиши исботланган;

дўлана уруғлари мағзининг тўлиқлиги уларнинг ўсиш ареалига боғлиқ бўлиб, *Crataegus turkestanica*да 90%, *Crataegus pontica*да эса 10% эканлиги, денгиз сатҳидан 1100-1200 метр баландликларда ўсган *Crataegus pontica* уруғлари мағзининг тўлиқлиги эса 37% гача бўлиши аниқланган;

*Crataegus pontica*нинг уруғкўчатларини етиштиришда қизил дўлананинг 2 йиллик уруғкўчатларини август ойида куртак пайвандлаш самарали эканлиги ҳамда пайвандланган куртакларнинг тутувчанлиги 70% ни ташкил этиши аниқланган;

Crataegus turkestanica ва *Crataegus pontica*нинг уруғкўчатларини етиштиришнинг ҳисоб-технологик картаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда келтириб ўтилган агротехник тадбирларга амал қилиш орқали *Crataegus turkestanica*нинг 40 минг дона/га, *Crataegus pontica*нинг эса 28 минг дона/га миқдордаги стандарт кўчатларини етиштириш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ҳисор тоғ тизмасидаги дўланазорларни тадқиқ қилиш орқали уларнинг денгиз сатҳидан 850-2000 метр баландликдаги экспозицияларда тарқалган бўлиб, тўлиқлиги Матмон ўрмончилик бўлимида 0,8, Сиёб ўрмончилик бўлимида 0,7, Мингчинор ўрмончилик бўлимида эса 0,6 га тенг эканлиги аниқланган;

ҳисор тоғ тизмасидаги дўланазорларнинг 1 гектаридаги 5 ёшгача бўлган ёш кўчатлар миқдори *Crataegus pontica*да 3760 – 4030 донани, *Crataegus turkestanica*да эса 3090 – 4290 донани ташкил этиб, табиий кўпайиш даражаси Китоб давлат ўрмон хўжалигининг Матмон ўрмончилик бўлимида жуда юқори ($KГ \leq 1$), Мингчинор ўрмончилик бўлимида қониқарли ($KГ \sim 1$), Сиёб ўрмончилик бўлими, ҳамда Жовуз давлат ўрмон хўжалиги худудидаги дўланазорларда қониқарсиз ($KГ > 1$) эканлиги аниқланган;

дўлана турлари тарқалишининг биоиклим моделини ишлаб чиқиш орқали 2070 йилга бориб Қашқадарё вилоятидаги ареали кўпайиб, *Crataegus turkestanica* CURRENT даврда $775 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, RCP2.6 (2070) $1075 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, RCP 8.5 (2070) $1200 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, *Crataegus pontica* CURRENT даврда $800 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, RCP 2.6 (2070) $850 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, RCP 8.5 (2070) $950 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$ га тенг бўлиши башорат қилинган;

табиий дўланазорлардан танланган шакллар орасида *Crataegus pontica*нинг Матмон-2, Жовуз-3 шаклларида мева узунлиги ва диаметри 2,4 см, мева оғирлиги 4,8-5,0 г, мева этининг чиқиш даражаси 86,17-87,64%, *Crataegus turkestanica*нинг танланган шакллари мева оғирлиги 0,9 – 1,0 г, мева диаметри 1,1 см, мева узунлиги 1,3 см, уруғ оғирлиги 0,2 г, мезокарп қисмининг чиқиш даражаси 78,7-80,0% га тенглиги аниқланган;

августнинг 3-декадасида териб олинган *Crataegus turkestanica*

уруғларини икки босқичли стратификациялаш (3 ой иссиқ муҳитда 1 ой совук муҳитда стратификация қилиш ва баҳорда экиш) орқали унувчанликни 90% га ошириш ҳамда ўртача 57,142 минг дона/га миқдорда кўчат олиш, *Crataegus turkestanica*нинг етиштирилган 2 йиллик уруғкўчатларини август ойида куртак пайвандлаш орқали ўртача 40,0 минг дона/га миқдорда *Crataegus pontica* кўчатларини етиштириш мумкинлиги аниқланган;

Crataegus turkestanica ва *Crataegus pontica*нинг уруғкўчатларини етиштиришнинг ҳисоб-технологик картаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг стандарт кўчатларини етиштириш орқали *Crataegus turkestanica*дан 328 290 минг сўм/га, *Crataegus pontica*дан эса 330 989 минг сўм/га фойда олиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқот натижаларининг ТДАУ да тузилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар ҳисоботларининг Ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси, факультет ва университет илмий кенгашларида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дўлानазорларнинг табиий тикланиш даражасининг иқлим омилларига боғлиқлигининг ишлаб чиқилганлиги, Ҳисор тоғ тизмасида қизил ва сариқ дўлана турлари тарқалишининг биоиқлим моделини ишлаб чиқилганлиги, уруғидан табиий кўпайишини баҳоланганлиги, август ойида териб олинган қизил дўлана уруғларини икки босқичли стратификациялаш орқали юқори унувчанликка эришилганлиги, уруғлар мағзининг тўлиқлиги уларнинг денгиз сатҳидан ўсиш ареалига боғлиқлиги, сариқ дўлананинг кўчатларини етиштириш учун қизил дўланани куртак пайвандлаш муддатларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қизил ва сариқ дўлана кўчатларини етиштиришнинг ҳисоб-технологик картасини ишлаб чиқилганлиги, қизил дўлана уруғларини териб олиш ва экишга тайёрлашнинг мақбул муддатларини аниқланганлиги, ишлаб чиқилган ҳисоб-технологик картадан фойдаланилган ҳолда қизил дўлананинг Китоб давлат ўрмон хўжалигининг ўрмон кўчатхонасида ўстирилганлиги, ҳамда уларни куртак пайвандлаш орқали сариқ дўлана кўчатларини етиштириш имкониятининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳисор тоғ тизмасидаги дўлананинг (*Crataegus* L.) истиқболли шакллари танлаш ва кўпайтириш технологияси бўйича олиб борилган изланишлар натижалари асосида:

дўлананинг (*Crataegus* L.) истиқболли шакллари танлаш ишланмаси Китоб ва Жовуз давлат ўрмон хўжаликларининг 20 гектар майдонида жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 9 декабрдаги 04/21-

6276-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Матмон-2 ва Жовуз-3 шакллари танлаб олинган ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тавсия этилиб, ушбу шакллардан фойдаланиш орқали кўшимча 10 000,0 минг сўм/га даромад олишга эришилган;

дўлана кўчатларини етиштириш технологияси ишланмаси Китоб давлат ўрмон хўжалиги кўчатхонасининг 1,2 гектар майдонида жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 9 декабрдаги 04/21-6276-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида қизил дўлананинг 2 йиллик кўчатларини куртак пайвандлаш орқали сариқ дўлананинг кўчатларини етиштириш ҳамда ушбу кўчатларни сотиш орқали кўшимча 12 000,0 минг сўм/га даромад олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тошкент давлат аграр университетиде ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда, 4 та мақола илмий-амалий конференциялар материалларида (жумладан 2 таси халқаро) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида дунё миқёсида ўрмонмевали дарахтлар орасидан озик-овқат ҳамда дориворлик хусусиятига эга бўлган турлардан бири бўлган дўлананинг истиқболли шакллари танлаш, табиий кўпайишини таҳлил этиш, кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Дўлана (*Crataegus*) туркумининг илмий ўрганиш тарихи, биохилма-хиллиги ва уларни кўпайтиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда кўплаб олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, дўлана туркум вакилларининг дунё ўрмонларида тарқалиши, уларнинг тур ва навларининг тавсифи, уларни кўпайтириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар ҳамда республикамизда табиий тарқалган турларнинг тарқалишини илмий асосланганлиги, дўлана (*Crataegus* L)

туркумининг маҳаллий ва интродукция қилинган турларининг биоэкологик хусусиятлари, фенологияси, тарқалиш ареалини ўрганиш, кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган дастлабки илмий-тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объекти, дастури ва услуби» деб номланган иккинчи бобида кутилган натижага эришиш учун бажарилиши лозим бўлган тадқиқот ишларининг дастури, услуби ва тадқиқот объектининг тупроқ-иқлим шароитлари баён этилган. Дастурда белгиланган масалалар дала тажрибалари ва лаборатория таҳлили орқали ўрганилди. Дала тажрибалари маршрутли кузатув асосида Ҳисор тоғ тизмаси ҳудудида жойлашган Китоб ва Жовуз давлат ўрмон хўжаликлари ҳудудларида олиб борилди. Дўлана туркуми вакилларининг биохилмахиллиги, табиий тарқалиши, биоэкологиясининг назарий асослари чоп этилган илмий мақолалар, илмий адабиётлар, ҳисоботлар ва бошқа илмий манбаалар асосида таҳлил этилди. Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитларига тавсиф бериш учун «Шаҳрисабз» метеостанцияси маълумотларидан фойдаланилди. Ҳисор тоғ тизмасидаги мавжуд дўланазорларнинг ҳозирги ҳолати, фенологияси, тупроқ-иқлим шароитларига чидамлилиги 100 баллик шкалада ўрганилди. Табиий дўланазорларнинг ҳолати ва табиий кўпайиш даражаси, биоморфологик кўрсаткичлари Б.Н. Зайцева [1983], биохилмахиллигини баҳолаш ва йирикмевали шаклларни танлаш “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодовых культур” услуби асосида 5 баллик шкалада, кўпайтириш С.В. Мухаметова [2017], дўлана турларининг тарқалишини башорат қилиш Elith J, S.J. Phillips, M. Dudic [2011], уруғларнинг унувчанлик даражасини баҳолаш Ф.Н. Русанов [1973] (ГОСТ определем доброкачестве семян), уруғкўчатларни пайвандлаш ишлари эса умумагрономик услублар бўйича амалга оширилди. Тадқиқот натижасида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастурида 95% аниқликда Б.А. Доспехов [1986] услуби асосида амалга оширилди. Статистик таҳлил қилишда ўртача арифметик қиймат, тажриба хатолиги, ўртача квадратик четланиш, вариация коэффицентининг қийматлари шакллантирилди.


Тадқиқот ишлари дала, лаборатория ва маршрутли кузатув усулларида фойдаланилган ҳолда олиб борилди. Дала ишлари Ҳисор тоғ тизмасида жойлашган Китоб ва Жовуз давлат ўрмон хўжаликларида мавжуд дўланазорларнинг ҳолати ҳамда кўчатчилик бўлимида қизил дўланани (*Crataegus turkestanica*) 4 та ва сариқ дўланани (*Crataegus pontica*) 14 та танланган истиқболли шакллари кўчатларини етиштириб ўстириш орқали амалга оширилди.

Диссертациянинг «Ҳисор тоғ тизмасида дўлананинг истиқболли шакллари танлаш» деб номланган учинчи бобида ҳудудда табиий тарқалган дўланазорларнинг ҳолати, мавжуд дўланазордаги дарахтларнинг ташқи муҳит омилларига чидамлилиги, истиқболли шакллари танлаш, танланган шаклларнинг дегустацион баҳоси, мавжуд дўланазорларда фенологик кузатувлар, Ҳисор тоғ тизмасидаги дўлана тарқалишининг

биоиклимий моделини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ҳисор тоғ тизмасидаги дўланазорларнинг табиий кўпайиш кўрсаткичларини баҳолаш. Тажриба ишлари Ўзбекистон ҳудудининг жанубида жойлашган Китоб давлат ўрмон хўжалигида олиб борилди. Дўланазорларнинг табиий кўпайиш даражасини таҳлил қилиш учун 10x10 м² ўлчамли 4 та тажриба майдонларида 10 тадан (жами 40 та) тажриба майдончалари ажратиб олинди. Улардаги 1, 2, 3 ва кўп йиллик дўлана кўчатларининг миқдори махсус формулалар орқали статистик таҳлил этилиб, ҳудуддаги дўланазорларнинг табиий кўпайиш даражаси аниқланди. Унга тажриба майдончаларида кўчатлар миқдори умуман йўқ бўлган ҳолатлари кузатилмади.

Тажриба майдонларидаги кўчатлар сони 1-тажриба майдонида 257 дона (102 дона бир йиллик, 90 дона икки йиллик, 45 дона уч йиллик ва 20 дона кўп йиллик), 2-тажриба майдонида 300 дона (120 дона бир йиллик, 96 дона икки йиллик, 54 дона уч йиллик ва 30 дона кўп йиллик), 3-тажриба майдонида 245 дона (108 дона бир йиллик, 78 дона икки йиллик, 39 дона уч йиллик ва 18 дона кўп йиллик), 4-тажриба майдонида эса 293 дона (126 дона бир йиллик, 93 дона икки йиллик, 52 дона уч йиллик ва 22 дона кўп йиллик) ни ташкил этди (2-расмга қаранг).




1-расм. Тажриба майдонларидаги кўчатлар миқдори, дона

Тажриба майдонларидаги бир йиллик кўчатларнинг ўртача баландлиги Шимолий экспозицияда юқори яъни $12,8 \pm 1,31$ см бўлган бўлса, жанубий экспозицияда $5,9 \pm 0,46$ см ни ташкил этди. Ундан катта ёшда кўчатларнинг баландлиги ҳам ҳудуддаги тоғ қияликларининг экспозицияларига мос равишда намлик билан етарли таъминланган ва ўсиб ривожланиш учун қулай шароит мавжуд бўлган шимолий экспозицияларда юқори яъни кўчатлар баландлиги икки йилликда $37,1 \pm 2,48$ см, уч йилликда $65,4 \pm 5,53$ см, кўп йилликларда эса $176,6 \pm 8,24$ см ни ташкил этиб, жанубий экспозицияда ўсганлардан 1,2-28 см ёки 1,02-1,69 марта кўп эканлиги аниқланди. Кўчатлар илдиз бўғзининг диаметри эса Шимолга ёндош бўлган экспозицияларда юқори бўлиб, ушбу кўрсаткичлар бир ёшлиларда 0,3-0,36 см, икки ёшлиларда 0,77-0,88 см, уч ёшлиларда 1,24-1,4 см ва катта ёшлиларда 3,08-3,8 см га тенг эканлиги аниқланди.

Ҳисор тоғ тизмаси ҳудудида дўлана тарқалишини биоиклимий

моделлаштириш. Ушбу илмий татқиқотлар MaxEnt (3.4.1) дастурий таъминоти LIG, LGM ва 4 келажак сценарийлари (RCP 2.6-2050 й, RCP 2.6-2070 й, RCP 8.5-2050 й, RCP 8.5-2070 й) асосида *Crataegus turkestanica* ва *Crataegus pontica* потенциал географик тарқалиш эҳтимоллини башорат қилишда, турнинг ҳолатини (RCP 2.6–2070 й ва RCP 8.5–2070 й), сценарийлари бўйича оптималлаштириш ва баҳолаш учун SDM (species distribution modelling) модели қўлланилган. Maxent турнинг тарқалиши мумкин бўлган майдонларни 0 дан (энг паст эҳтимоллик тақсимоти) 1 (энг юқори эҳтимоллик тақсимоти) оралиғида баҳоланди. ArcGis 10.6.1 дастурида зонал геометрик кўрсаткичлардан фойдаланиб, тур яшаш жойларининг ўзгариш тенденциялари таҳрир қилинди (3-расмга қаранг).



3-расм: Ҳисор тоғ тизмаси ҳудудида *Crataegus turkestanica* ва *Crataegus pontica* тарқалиш харитаси

Тадқиқот материаллари 2021-2022 йиллар оралиғида олиб борилган мақсадли дала татқиқотлари натижасида жамланди. *Crataegus pontica* ва *crataegus turkestanica* турларининг табиий шароитда ўсиш нуқталарини ақс эттирувчи географик координаталари Google Earth (Pro) ва MAPS.ME (2.0) дастурларида аниқланди. Ушбу тадқиқотда жами 30 донa географик координаталар фойдаланиш учун ажратиб олинди.

Турнинг биоиклим моделини яратиш орқали қизил дўлана CURRENT даврда 36052 км² (±25 км²), RCP 2.6 (2070) 21826 км² (±25 км²), RCP 8.5 (2070) 23210 км² (±25 км²), сариқ дўланада эса CURRENT даврда 800 км² (±25 км²), RCP 2.6 (2070) 850 км² (±25 км²), RCP 8.5 (2070) 950 км² (±25 км²) қийматларга эга бўлди.

Моделнинг ишлаш сифати AUC (эгри чизик остидаги майдон) қийматига кўра баҳоланди. Ўзбекистон ҳудудида *Crataegus turkestanica* ва *Crataegus pontica* тарқалиши мумкин бўлган майдонларни башорат қилишда моделнинг ишлаш аниқлиги ўртача AUC=0.988 (ўқув маълумотлари), AUC=0.962 (тест маълумотлари) тенг ва учта ҳолатда ҳам RP =0.5 (стандарт оғиш) жуда паст ва бир хил бўлиб, бу моделнинг юқори аниқлик билан ишлаганини кўрсатади.

Ҳисор тоғ тизмасида дўлананинг истиқболли шакллари танилаш. Ҳисор тоғ тизмасидаги дўлана турларининг истиқболли шакллари Китоб

давлат ўрмон хўжалигининг Матмон (Матмон-1, Матмон-2, Матмон-3, Матмон-4, Матмон-5), Сиёб (Сиёб-1, Сиёб-2, Сиёб-3, Сиёб-4), Мингчинор (Мингчинор-1, Мингчинор-2) ўрмончилик бўлимлари ҳамда Жовуз давлат ўрмон хўжалиги (Жовуз-1, Жовуз-2, Жовуз-3) ҳудудларидан танлаб олинди. Бунда сариқ дўлананинг 14 та, қизил дўлананинг эса 4 та шакллариининг ташқи муҳит омилларига чидамлилиги, мева кўрсаткичлари ҳамда уларнинг дегустақон баҳоси таҳлил этилди.


Сариқ дўлананинг танланган шакллари денгиз сатҳидан 895-2324 метр баландликларда ўсиб-ривожланиб, ушбу дарахтлар шимолий, жанубий, шимолий-шарқий, жанубий-шарқий, шимолий-ғарбий экспозицияларда жойлашган. Танланган шаклларнинг ўлчамлари ҳудудлар бўйича турлича кўринишларда намоён бўлди. Танланган шаклларнинг баландлиги Матмон ўрмончилик бўлимидагиларда $6,3 \pm 0,22$ метрдан $9,4 \pm 0,15$ метргача, Сиёб ўрмончилик бўлимида эса $6,3 \pm 0,10$ метрдан, Мингчинор ўрмончилик бўлимида $9,3 \pm 0,42$ метрдан $10,4 \pm 0,41$ метргача, Жовуз давлат ўрмон хўжалигида $8,3 \pm 0,34$ метрдан $9,2 \pm 0,36$ метргача, диаметри эса Матмон ўрмончилик бўлимида $37,3 \pm 0,15$ см дан $48,4 \pm 0,18$ см гача, Сиёб ўрмончилик бўлимида $34,3 \pm 0,22$ см дан $44,1 \pm 0,27$ см гача, Мингчинор ўрмончилик бўлимида $38,3 \pm 0,29$ см дан $42,4 \pm 0,33$ см гача, Жовуз давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида эса $40,2 \pm 0,38$ см дан $48,3 \pm 0,37$ см гача, шох-шабба ўлчамлари Матмон ўрмончилик бўлимидагиларда $4,4 \times 6,2$ м, Сиёб ўрмончилик бўлимидагиларда $4,6 \times 6,4$ м, Мингчинор ўрмончилик бўлимидагиларда $4,9 \times 6,8$ м, Жовуз давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидагиларда $4,6 \times 6,5$ м ни ташкил этди.

Қизил дўлананинг эса 4 та шакли Матмон (Матмон-6, Матмон-7) ўрмончилик бўлими, ҳамда Жовуз давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида танлаб олинди. Улар асосан денгиз сатҳидан 944-1048 метр баландликлардаги жанубий, жанубий-ғарбий ва шимолий ғарбий экспозицияларда ўсиб ривожланаётганлиги кузатилди. Танланган шаклларнинг ўртача баландлиги $6,3 \pm 0,16$ – $9,2 \pm 0,14$ м, диаметри $35,1 \pm 0,23$ – $38,2 \pm 0,11$ см, шох-шаббасининг ўлчами эса $4,0 \times 5,8$ – $5,5 \times 7,5$ м га тенг, ҳамда танлаб олинган шаклларнинг ҳолати яхши эканлиги қайд этилди.

Танланган дўлана шаклларидаги дастлабки таҳлил ишлари улар меваларининг ўлчамлари (оғирлиги, мева диаметри ва узунлиги) бўйича олиб борилди. Сариқ дўлана меваларининг оғирлиги таҳлил этилганда, меваларнинг ўртача оғирлиги $2,2 \pm 0,05$ дан $5,0 \pm 0,07$ г гача эканлиги аниқланди.

Шакллар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, Китоб давлат ўрмон хўжалигининг Матмон ўрмончилик бўлимидаги Матмон-2 ва Матмон-5 шаклларида юқори натижа аниқланиб, уларнинг ўртача оғирлиги $5,0 \pm 0,08$ г ни ташкил этди. Танланган шакллар меваларининг оғирлиги ўртача оғирлиги Матмон ўрмончилик бўлимида (Матмон-1, Матмон-2, Матмон-3, Матмон-4 ва Матмон-5 шакллари) $4,2 \pm 0,07$ – $5,0 \pm 0,08$ г, Мингчинор ўрмончилик бўлимида (Мингчинор-1 ва Мингчинор-2 шакллари) $2,2 \pm 0,05$ – $3,2 \pm 0,05$ г, Сиёб ўрмончилик бўлимида (Сиёб-1, Сиёб-2, Сиёб-3 ва Сиёб-4 шакллари) $2,4 \pm 0,05$ – $4,4 \pm 0,10$ г, Жовуз давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида (Жовуз-1, Жовуз-2 ва Жовуз-3 шакллари) $4,0 \pm 0,06$ – $4,8 \pm 0,08$ г ни ташкил этди. Шакллар орасида

Матмон-2 ва Матмон-5 шакллариининг кўрсаткичлари бошқа шакларга нисбатан 1,12-2,23 марта ёки 109,1-222,8% га юқори эканлиги аниқланди (1-расмга қаранг).




2-расм. Сарик дўлана шакллариининг мева оғирлиги, диаметри, узунлик кўрсаткичлари, г

Дўлананиннг мева этининг чиқиш даражаси мева ўлчамларига боғлиқлиги таҳлил этилганда, мева диаметри билан боғлиқлик даражаси мавжуд эканлиги ҳамда унинг регрессия тенгламаси $y=16,831x+44,996$ кўринишида эканлиги қайд этилди. Бунда тенгламаниннг аниқлилик даражаси $R^2=0,7945$ ёки 79,45% га тенг бўлди. Мева узунлиги ва мева этининг чиқиш даражаси орасидаги боғлиқликнинг регрессия тенгламаси $y=26,268x+37,855$ кўринишида бўлиб, тенгламаниннг аниқлиги $R^2=0,5873$ ёки 58,73% ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Дўланани кўпайтириш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида Ҳисор тоғ тизмасида кенг тарқалган Қизил ва Сарик дўлана кўчатларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Дўлана кўчатларини уруғидан, ёғочлашган қаламчалардан ва пайвандлаш усулидан фойдаланилган ҳолда етиштириш ишлари амалга оширилган.

Ҳисор тоғ тизмасида ўсаётган сарик ва қизил дўлананиннг кўчатларини етиштиришда дастлаб уруғларнинг унувчанлиги ва ўсиш қуввати ўрганилди. Бунинг учун ҳар бир тур бўйича 100 донадан иборат бўлган уруғ намуналари турли вариантларда экишга тайёрланиб, унувчанлиги ва ўсиш қуввати таҳлил этилди.



4-расм. Қизил дўлана уруғларини экишга тайёрлашнинг ниҳоллар униб чиқишига таъсири, %

Экилган уруғларни униб чиқиш даражаси қизил дўланада 180 кунлик стратификациядан сўнг биринчи йили 40%, иккинчи йили эса қолган уруғларнинг униши ҳисобига 80% бўлгани аниқланди. Икки босқичли стратификацияда эса қизил дўлана уруғларининг униб чиқиш даражаси биринчи йилда 60% ни, иккинчи йилда эса 95% ни ташкил этди (4-расмга қаранг).

Бизнинг тадқиқотларимизда ҳам лаборатория таҳлили учун қўйилган сариқ дўлананинг 5 дона уруғи унувчанликни намоён этди. Қизил дўланада эса ушбу кўрсаткич 92% га тенг бўлди. Ўсиш қуввати эса қизил дўланада 81% га тенг бўлган бўлса, сариқ дўланада кузатилмади. Ўрганиш натижаларига кўра, Ҳисор тоғ тизмасидаги сариқ дўлана уруғларида уруғ мағзининг тўлиқлиги 10-37% ни ташкил этди. Шу билан биргаликда, уруғ мағзининг тўлиқлиги унинг ўсиш шароитига боғлиқлиги аниқланди.

Сариқ дўлана данакларидаги мағизнинг тўлиқлигини таҳлил қилиш учун 10 дона мева олинди. Ушбу меваларнинг 7 тасидан 2 тадан, қолган 3 тасидан эса 3 тадан данак чиқди. Ушбу данакларни чақиб кўриш натижасида 5 та данакдаги мағизнинг тўлиқ эканлиги аниқланди.

Унга кўра денгиз сатҳидан баландликнинг ортиб бориши уруғлар мағзининг тўлиқлигини ортишига сабаб бўлиши кузатилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Сариқ дўлана ўсиш шароитининг уруғ мағзининг тўлиқлигига таъсири, %

№	Денгиз сатҳидан баландлиги, м	Қиялик экспозицияси	Намунадаги уруғлар миқдори	Уруғ мағзининг мавжудлиги			Уруғ мағзининг тўлиқлиги, %
				Мавжуд эмас	Тўлиқ шаклланмаган	Мавжуд	
1	900-1000	ЖШҚ	30	15	12	3	10
2	1000-1100	ШШҚ	30	6	13	11	21,7
3	1100-1200	ШҒ	30	4	8	18	37
4	1200-1300	Ш	30	10	14	6	20
5	1300-1400	Ж	30	17	8	5	16,6

Сариқ дўлана кўчатларини етиштириш учун қизил дўлананинг 2 йиллик кўчатларини куртак пайвандлаш усулидан фойдаланилди. Куртак пайвандлаш учун биринчи бўлиб кўчатлар пайванд қилиш учун тайёрланди. Бунда мавжуд кўчатларнинг диаметри 0,7 см дан 1,5 см га тенг бўлиб, ўртача кўрсаткичи $1,0 \pm 0,05$ см, бўйи эса $52,5 \pm 2,0$ см га тенг эканлиги аниқланди.

Пайвандлаш ишлари амалга оширилгандан сўнг 5-7 кун оралиғида куртакнинг тутувчанлиги таҳлил этилди. Ўрганиш натижаларига кўра, пайвандланган куртакларнинг тутувчанлиги 70-75% га тенг бўлди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Куртак пайвандлаш муддатларининг куртакнинг тутувчанлигига таъсири, 2021-2022 йиллар

№	Пайвандлаш усули	Пайвандлаш муддати	Пайвандланган кўчатлар сони, дона	Тутиб қолган куртаклар сони, дона	Пайвандлаш самарадорлиги, %
1	Куртак пайванд	15.04-1.05	50	10-12	20±4
		1.05-15.05	50	15-18	30±6
		15.07-1.08	50	10-14	20±8
		1.08-15.08	50	35-37	70±5

Дўлана кўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда ҳисоб технологик картадаги кўрсаткичларга кўра қизил дўлана кўчатларини етиштириш учун 71 710 минг сўм, сариқ дўлана кўчатларини етиштириш учун эса 89 011 минг сўм маблағ талаб этилиши аниқланди.

3-жадвал

Дўлана кўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Тур номи	Қиймати
1	Кўчат етиштириш харажатлари, минг сўм/га	Қизил дўлана	71 710
		Сариқ дўлана	89 011
2	1 гектардан олинадиган стандарт кўчатлар миқдори, минг дона	Қизил дўлана	40
		Сариқ дўлана	28
3	Етиштирилган кўчатларни сотишдан келадиغان даромад, минг сўм/га	Қизил дўлана	400 000
		Сариқ дўлана	420 000
4	Етиштирилган кўчатларни сотишдан келадиغان фойда, минг сўм/га	Қизил дўлана	328 290
		Сариқ дўлана	330 989
5	Рентабиллик, %	Қизил дўлана	457,8
		Сариқ дўлана	371,8

Ҳозирги вақтда дўлана кўчатларини қизил дўлана 10 минг сўмдан, сариқ дўлана эса 15 минг сўм сотилишини ҳамда 1 гектар майдондан ўртача 28-40 минг дона/га стандарт кўчат олинисини инобатга олсак, кўчатларни сотиш орқали 400 000-420 000 минг сўм даромад олиш мумкин бўлади. Кўчат етиштириш учун қилинган харажатлардан келиб чиққан ҳолда қизил дўлана кўчатларини етиштириш орқали 328 290 минг сўм/га, сариқ дўланадан эса 330 989 минг сўм/га фойда олиш мумкин бўлади (3-жадвалга қаранг).

ХУЛОСАЛАР

1. Ҳисор тоғ тизмасидаги дўланазорлар тоғ қияликларининг барча экспозицияларида ўсиб ривожланиб, унинг тўлиқлиги 0,6-0,8 ни ташкил этади. Ушбу дўланазорлар сойликларда, тик ва тошлоқ қияликларда ўсиб, уларнинг ўсиш даражаси ўртача ва яхши эканлиги аниқланди.

2. Китоб давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидаги танлаб олинган шакллар орасидаги сариқ дўлананинг Матмон-2 ва Жовуз-3 шакллари барча кўрсаткичлар бўйича бошқа шакллардан устун бўлиб, ушбу шакл назорат варианты ва бошқа шакллардан мева диаметри бўйича 11,8-18,7%, мева узунлиги бўйича 13,3%, мева оғирлиги бўйича 33,3-45,4%, уруғ оғирлиги бўйича 14,3-33,3%, мева этининг чиқиш кўрсаткичи бўйича 2,0-4,6% га юқори эканлиги аниқланди.

3. Китоб давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидаги дўланазорларнинг табиий тикланиш даражаси ўрмончилик бўлимлари бўйича турлича кўринишда бўлиб, Сиёб ўрмончилик бўлимидаги кўрсаткичлар жуда юқори (гомогенлик коэффиценти сариқ дўланада 1,3; қизил дўланада 1,1) эканлигини кўришимиз мумкин. Мингчинор ўрмончилик бўлимидаги табиий кўпайиш даражаси эса жуда паст кўрсаткичга эгаллиги сабабли, ушбу майдонларда кўшимча ўрмончилик тадбирларини амалга ошириш зарур.

4. Турнинг биоиклим моделини яратиш орқали қизил дўлана CURRENT даврда $36052 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, RCP 2.6 (2070) $21826 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, RCP 8.5 (2070) $23210 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, сариқ дўланада эса CURRENT даврда $800 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, RCP 2.6 (2070) $850 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$, RCP 8.5 (2070) $950 \text{ км}^2 (\pm 25 \text{ км}^2)$ қийматларга эга бўлди.

5. Дўланани кўпайтириш ишларини амалга оширишда улар уруғларининг физиологик хусусиятлари муҳим ҳисобланиб, қизил дўлана уруғларининг физиологиясида унувчанлик тезроқ намоён бўлиши қайд этилган бўлса (90% гача), сариқ дўланада ушбу кўрсаткич жуда паст яъни 5% гача бўлиши аниқланди.

6. Сариқ дўлананинг кўчатларини етиштириш учун қизил дўлананинг 2 йиллик кўчатларини куртак пайвандлаш усулидан фойдаланиб, август ойида куртаклаш орқали 70% самарадорликка эришилди.

7. Қизил дўлана кўчатларини етиштириш орқали 328 290 минг сўм/га, сариқ дўланадан эса 330 989 минг сўм/га фойда олиш мумкин бўлади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқариш жараёнига:

1. Дўланазорлар барпо этиш ишларини денгиз сатҳидан 1100-2000 метр баландликлардаги Шимолий ва унга ёндош бўлган экспозицияларда барпо этиш тавсия этилади. Чунки, дўланазорларнинг келгусидаги тарқалишида ҳудудлардаги вегетация даврида кузатиладиган ёғингарчилик миқдори муҳим аҳамиятга эга бўлади.

2. Дўланазорлар барпо этиш учун мева этининг чиқиш даражаси ҳамда дегустацион баҳоси юқори Матмон-2 ва Жовуз-3 шакллари тавсия этилади. Ушбу шакллар мевасининг мезокарп қисмининг чиқиш даражаси бошқа шакллардан 2.0-4.6% юқори бўлади.

3. Қизил дўланани кўчатларини уруғидан (2 босқичли стратификация қилинган ҳолда), сариқ дўланани эса қизил дўлананинг икки йиллик кўчатларини август ойида пайвандлаш орқали етиштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАЙИМОВ БЕХРУЗ НЕЪМАТ УГЛИ

**ОТБОР И ТЕХНОЛОГИЯ РАЗМНОЖЕНИЯ ПЕРСПЕКТИВНЫХ ФОРМ
БОЯРЫШНИКА (*CRATAEGUS L*) В ГИССАРСКОМ ХРЕБТЕ**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агромелиорация лесов и закладка защитных лесополос**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/Qx946.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Хамроев Хусен Фатуллаевич доктор философии по сельскохозяйственным наукам, доцент
Официальные оппоненты:	Тухтаев Бобокул Ёркулович доктор биологических наук, профессор Эшанкулов Бобомурод Инаятovich доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.
Ведущая организация:	Агентство лесного хозяйства при Министерстве экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится 16 октября 2023 года в 09⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1- этаж, конференцзал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером №549252). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 28 сентября 2023 г.
(реестр протокола рассылки № 62 от 06 сентября 2023 г.).


Э.Т. Бердиев,
Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.с.н., профессор
М.З. Халмуратов,
Заместитель Председателя Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.с.н., доцент
С.А. Юнусов,
Заместитель научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.с.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире с каждым годом повышается внимание к размножению лесоплодовых древесных видов, имеющих пищевые и лекарственные свойства. Одним из таких видов является боярышник. В настоящее время “имеется более 1000 крупноплодных сортов боярышника, содержащих много витаминов”¹ и осуществление исследований, направленных на размножение этих сортов, является одной из актуальных задач.

В ведущих научных центрах стран мира проводятся исследования по определению естественного ареала распространения зарослей боярышника, выведению и размножению его крупноплодных сортов, богатых витаминами и имеющих важное значение для пищевой промышленности, в том числе, «с научным обоснованием разработаны методы закладки боярышниковых лесов, используя в Китае на основе сортов *Big Golden Star*, *Big Orange*, *Red Sun*. в Мексике – сортов *C. mexicana* Moc.et Sessй ex DC. (*C. pubescens* auct.) и *C. Pubescens Steud. f. stipulacea Stapf*, в США – сортов *Mason's Super Berry*, *Mississippi Beauty*, *Red* ва *Yellow*, *Saline*, *Super Spur*, *Texas Star*»², а в других странах уделяли большое внимание определению территорий с зарослями боярышника, разработке технологии интродукции, адаптации и размножения его перспективных сортов. Результаты, полученные от внедрения этих научных разработок, имеют весьма важное значение при повышении эффективности использования земель горных и предгорных районов и являются актуальными в теоретическом и практическом отношениях.

В нашей республике проводились определенные исследования по интродукции видов боярышника, биохимическому анализу его плодов и использованию в фармацевтике. Однако исследований, направленных на изучение биоразнообразия имеющихся зарослей боярышника, показателей их естественного возобновления, выращивание саженцев, а также по созданию биоклиматической модели видов не проводилось. В Стратегии Нового Узбекистана, предусматривающей развитие Республики Узбекистан на 2022-2026 годы, намечена задача «Расширения лесных площадей»³. При этом, актуальным является проведение исследований по отбору крупноплодных форм из существующих зарослей боярышника в горных и предгорных районах нашей республики, выращиванию их саженцев и оценке уровня естественного возобновления имеющихся зарослей боярышника.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит научному обоснованию задач, намеченных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4424 «О дополнительных мерах по повышению эффективности лесопользования в Республике» от 23 августа 2019 года, ПП-

¹ <https://goszechuanhouse.com/interesting-about-blueberries/how-many-types-of-hawthorn-trees-are-there.html?ysclid=lckmgere2n45372606>

² <https://www.ornamental-trees.co.uk/crataegus-pinnatifida-var-major-tree-p817>

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы»

